



ШАЙТОНЛАР СЕВИНЧИ ҚАРШИСИДА

Ҳақиқатан ҳам, ёлғон хабар ва тухмат Узньос.нет номли ахлатхона ва унинг бош муҳаррири Г.Бухарбаеванинг нон топиш воситасига айланиб бормокда.

Тутуриксиз “хоним” бу сафар ҳам илк сатрларданок ўз ёлғонларини бошлайди: “Эрк” партияси ва Ўзбекистон Халқ ҳаракати Лидери узоқ йиллар мобайнида Истанбулда жойлашиб олган ва шу ердан “Иуда” каби антисемитистик китобларни тарқатади ва Каримов режимига қарши қуролли курашиш лозимлиги ҳақида даъват қилади”.

1. Мен ҳеч қачон “Иуда” каби антисемитистик китоблар”ни тарқатмаганман. “Иуда” китобини айнан ўша “машҳур ҳуқуқ ҳимоячиси”нинг ўзи тарқатди, адашмасам, унинг ўзи бу ҳақда ғурур билан ёзганди.

2. Мен ҳеч қачон Каримов режимига қарши ҳеч қандай қуролли курашга даъват қилмаганман. Агар қаердадир менинг имзоим билан бундай чақириқ бор бўлса, марҳамат, исботла.

3. Мен Daily Sabah га ҳеч

қандай интервью бермаганман. Каримов режими фойдаси учун ўзига тарафдор бўлган депутатларга Туркия парламентида лоббичилик қилганига норозилик сифатида 2008 йили Фатхуллоҳ Гуленга хатни мен ёзган ёки ёзмаганлигимни аниқлаш мақсадида “Сабах” газетаси муҳбири менинг олдимга келди.

Мен ёзганимни тасдиқладим.

“Сабах” муҳбирига мен бошқа ҳеч нарса деганим йўқ.

Узньос.нет нима ёзяпти?

Мана унинг ёзгани: “Солиҳ ўзини Туркиядан топширишмоқчи эканликлари, катта таъсирга эга турк сиёсатчиси Фатхуллоҳ Гулен тарафдорлари ҳозирча бу билан шугулланаётгани ҳақида турк нашри Daily Sabah га интервью берганига бир ҳафта ҳам бўлгани йўқ”.

Менинг 2008 йил ёзган хатим интервью сифатида “бир ҳафта олдинги маълумот” сифатида талқин қилинмоқда.

Давоми эса яна-да кулгили:

“Ўшанда М.Солиҳнинг ўрнига унинг дўсти, профессор Орхан Қовунчи (Orhan Kavuncu) депортация қилинганди. У Ўзбекистонга келиб, Гуленнинг мактаблари фаолият юрита олишлари учун Солиҳдан Туркияни тарк этишини сўраган».

Қанчалик бохабарлик!

Орхан Қовунчи – Туркия фуқароси ва Анқаралик профессор. У қандай қилиб Солиҳнинг ўрнига Тошкентга экстрадиция қилиниши мумкин?

У гўзал Анқарада соғ-саломат ялло қилиб юрибди ва муҳаққакдирки, каримов-бухарбаева тарқатган ғийбатлар устидан кулмоқда.

Яъни, ғирт тутуруксизлик!

Матннинг колган қисми ҳам фақат тутуриксиз гаплардан иборат.

Унинг “ЭРК”, ЎХХ ва оппозиция ҳақидаги мулоҳазалари ўзининг кир ичининг фош булиши олдида параноид кўркув, исломга бўлган нафрат ва ғазабга тўлгандир.

Мен барча ғийбатчиларга қарата шуни айтишим мумкин: мен дунёнинг энг демократик давлати — Туркияда яшайман.

Оллоҳ истамас экан, ёки режим ёмон томонга ўзгармас экан, ҳеч ким мени бу ердан бадарға (экстрадиция) қила олмайди.

Шундай экан, эй сохта демократлар, эй сохта либераллар, «Солиҳни бадарға қилишади», дея беҳуда севинманглар.

Яхшиси, шайтонча тушларингизни кўришда, қабоҳатингиз чечакларини суғориб, парваришлашда давом этаверинглар.

Муҳаммад Солиҳ



Ўзбекистон раҳбарининг кейинги беш-ўн йил оралигидаги ҳатти-ҳаракатларини кузатар экансиз, бу инсоннинг миясида қаттиқ ўзгаришлар рўй бераётганини кўрасиз.

Айниқса, бу ҳолат унинг турли мавзулардаги чиқишлари, имзо чекаётган қарор фармонларида кўпроқ кўриниб қолапти.

Мисол учун, ўтган йилнинг декабрида, Конституция байрамидаги нутқи ва Олий Мажлисида 2014 йилга ном бериш ташаббусини олайлик.

Аввало, пойинтар-сойинтар алжираш, оғзидан кўпик сочиб, мамлакатнинг гуллаб-яшнаб кетгани-ю халқ турмушининг мислсиз фаровонлашгани ҳақидаги ёлғонлари ҳар қандай ақли расо одамнинг жиғига тегади, жаҳлини чиқаради.

Инчунун, жорий йилга берилган номни олинг. Фирт тентаклик эмасми? «Авлод» араб тилидан таржима қилинса «бола» дегани. 2000 йил Ўзбекистонда «Соғлом авлод йили» сифатида ўтган бўлса, мияси айниган чол нега энди бу гал «Соғлом бола йили» дея эълон қилганини унинг ўзидан бошқа ҳеч ким тушунмаса керак.

Худди шундай алжирашни Вазирлар Маҳкамасининг январ ойида йил якунларига бағишланган мажлисида ҳам эшитдик. Залда ўтирганларнинг нақадар ижирфгани-ю энсаси қотганини айтмаса ҳам бўлади.

Давлат раҳбари кўзларини лўқ қилиб, ҳақиқатдан мутлақо йироқ рақам ва янгиланишлар ҳақида лоф урапти. Республикадаги реал воқеаликни эса вилоят раҳбарлари кўриб турган бўлса, олий раҳбарнинг оғзидан бол томизиб айтаётганлари буткул ёлғон эканини улар билмай ким билсин?

Дарвоқе, Қаримовнинг мияси суюлаётган бўлса-да, маккорлиги юз чандон ортганини шу

йилнинг 5 мартада имзолаган қарори билан изоҳласак ҳам бўлади. Зеро, у айтган гапларга залдагиларнинг ишонмагани ёки истеҳзо билан қабул қилганини унинг ўзи яхши сезиб тургани боис, "ҳап сенларними, кунингни кўрсатаман" қабилида давлат амалдорларининг хорижга чиқишларини чекловчи қарор қабул қилиб юборди.

Аслида, 1995 йилда ҳам шунга ўхшаш қарор имзоланганини эътиборга оладиган бўлсак, бу янгилик эмас. Илгариги қарордаги зигирдек "лазейка" ҳам бу галгисида йўққа чиқарилди.

Давлат амалдорларининг

ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРНИНГ АҚЛИ ЖОЙИДАМИ?..

25 категорияси энди фақат президент ризиолиги билангина Ўзбекистондан чиқиши мумкин. Боз устига, туман ва шаҳар даражасидаги амалдорлар хорижга чиқишлари учун энди Вазирлар маҳкамасидан изн олишига тўғри келади.

Таассуфки, Украинадаги сўнгги воқеалардан тўғри хулоса чиқариш ўрнига, республика раҳбари қатагонларни янада кучайтириш йўлини тутган кўринади. Украинадаги феврал инқилоби аслида калтабин Януковичнинг ахмоқона қарорлари, яккаҳоқимлик, ҳоқими мутлақлик касаллигига чалина бошлагани ҳам сабаб бўлган.

Узининг криминал ўтмиши билан халқига яхши таниш Янукович украин олигархлари, молиявий ва иқтисодий корчалонлари ҳамда жинорий гуруҳлар шафеълигида ҳоқимият тепасига келган эди.

Барча молиявий оқимлар, мамлакатдаги асосий моддий манбаларни шахсан ўзи ва яқинлари ихтиёрига ўтказиш борасидаги уринишлари, шу орқали ҳоқимият тизгинини бутунлай қўлга олишга интилиши, халқ ва ўз пушти паноҳлари манфаатига зид ҳатти-ҳаракатлари оқибатида тахтдан улоқтирилди. Бугунги кунда пўқонида елни тутиб тура олмай қолган Ўзбекистон раҳбарининг амалдорларни хорижга чиқишини чекловчи қарори ҳам ўзи тайинлайдиган раҳбарлар, вазирлар ва ҳоқимларга ишонмаслиги ва айни пайтда, Қаримовнинг нақадар аянчли аҳволда эканини кўрсатади.

Унинг ўзи уйлаб топган қатагон машинаси – МХХ ҳам минг уринмасин, тизгин қўлдан чиққанини кўрсатаётир.

Унинг ва унга яқин тўдаларнинг халқ бошига қанчалик кулфат

ёғдиргани, мамлакат иқтисодини абгор ҳолатга олиб келганини қуйи раҳбарлар тизими жуда яхши билади.

Боз устига, президент оиласининг кирдикорлари ўтган йилдан бери тўхтовсиз ошкор бўлаётгани ҳам Ўзбекистондаги оз сонли бўлса-да, эс-хуши жойида раҳбарларнинг асабини таранглаштириб қўйди. Ҳатто, вилоят ва туман ҳоқимлари ҳам давлат раҳбари ва унинг оиласига тегишли мол-дунёнинг хориж банкларидаги ҳисоб рақамларида сақланишини ниҳоят тушуниб етди.

Бу гапни бежизга айтаётганим

йўқ. Чунки, бир муддат олдин зомби ҳолатига туширилган ҳоқимларнинг бир нечтаси билан ҳамсуҳбат бўлгандим. Ҳатто тор доирадаги ўтиришларда ҳам бечоралар давлат раҳбарини "отаимиз" дея ардоқларди.

Бугунга келиб эса, ўзим билган, таниган ҳоқимлар, вилоят ва туман даражасидаги раҳбарларининг аксариятидан Қаримовга нисбатан нафратомуз сўзларни эшитганимдан кейин, қайсидир маънода, ўзгаришлар бўлишига умидлангандек бўлдим.

Аммо умидларимнинг айтарли ёруғ эмаслигини ҳам айтишим керак. Ўзбекистонда ўзгаришлар, назаримда, Украина сценарийсига ўхшаш бўлади.

Аммо ур-тўполон ёки қонли тўқнашувларсиз, ими-жимиди, қўл синса енг ичида, қабилида. Оқсарой, аниқроғи, Кўксаройда рўй беради.

Мункиллаб қолган қария соғлиғи билан боғлиқ муаммолар чиққанига мамлакат ва дунё жамоатчилигини ишонтириш қийин иш эмас. Ўзбекистоннинг ер ости ва ер усти бойликлари, нефть ва газ, олтинлари, вольфрам ва уран сингари кўплаб конларига ҳеч бир монёликсиз эгалик қилиб келаётган Азимов, Иноятов, Мирзиёев, Арипов, Қодиров каби яна бир қанча давлат амалдорлари ҳамда уларнинг олигарх ҳамтовоқлари тўплаган мол-дунёсининг асосий қисми хориж банкларида эканини эътибордан соқит қилмасак, тасарруф этишдан маҳрум қилинишлари улар учун жонларини суғириб олишдек гап.

Шу боис ҳам қариянинг бу галги қарори унинг ўзига қарши ишлатилиш эҳтимоли кўпроқ. Буёғини йил охирига қадар кўрсак ажаб эмас...

Қаландар Шоший

Швейцария Бош прокуратураси
ноқонуний пулларни
ўзлаштиришда гумонланаётган
тўрт ўзбек фуқароси билан бирга
Ўзбекистон президентининг
тўнғич кизи Г.Каримова устидан
ҳам текширув бошлаганини
маълум қилди

Гулнора Каримова — расман гумонланувчи

Швейцария прокуратураси
чоршанба куни эълон қилган
баёнолда айтилишича,
«Ўзбекистон президентининг
тўнғич кизи Г.Каримовага нисбатан
пул ювиш гумонларига асосланган
ҳолда тергов бошланган».

Баёнолда айтилишича,
Г.Каримова 2013 йил сентябрида
гумонланувчига айланган. Лекин
бу ҳақда энди маълум қилинмоқда.

«Ўзбекистоннинг БМТдаги
доимий вакили сифатида,
Г.Каримова ўтган йилнинг ёзига
қадар дипломатик иммунитетга
эга бўлган. 2013 йилнинг 16
сентябрь куни жиноят терговига
Ўзбекистон президенти қизини
ҳам пул ювиш гумонларига
асосланган ҳолда жалб қилишга
қарор қилинди», дейилади
баёнолда. Швейцария ҳуқуқ-
тартибот идораларидаги Озодлик
манбасига кўра, Г.Каримова
2012 йилда кўзғатилган жиноят
ишига бешинчи гумонланувчи
сифатида кўшилган. Манбанинг
айтишича, Швейцария расмийлари
аввалги тўрт гумонланувчи
шахсларини очиқламаган бўлса-
да, Г.Каримованинг таниқли шахс
эканини инobatга олган ҳолда,
Ўзбекистон президентининг
қизини расман гумонланувчи, деб
эълон қилишга қарор қилган.

Озодликнинг бошқа
манбаларига кўра, мазкур
жиноят ишидаги дастлабки
тўрт гумонланувчи Ўзбекистон
фуқаролари Гаянэ Авакян, Алишер
Эргашев, Шохруҳ Собиров ва
Беҳзод Аҳмедовлардир.

Швейцария прокуратурасига
кўра, мазкур жиноят иши
доирасида Швейцария бир неча
давлат ҳуқуқ-тартибот идоралари
билан ҳамкорлик қилмоқда.

Мазкур ҳамкорлик Францияда
2013 йилнинг ёз ойларида
бир неча уйда тинтув амалга
оширилган.

Бундан ташқари, Швейцария
прокуратураси мамлакат Федерал
Адлия полицияси ва Женева
полицияси билан ҳамкорликда
2013 йилнинг августда Г.
Каримованинг Женевадаги

уйида тинтув ўтказганини ҳам
тасдиқлади.

Шунингдек, Швейцария
прокуратураси олиб бораётган
тергов Швеция прокуратураси
TeliaSonera ширкати Ўзбекистон
телекоммуникация бозорига
кириш учун пора берганига доир
жиноят иши билан бевосита
боғлиқлиги ҳам чоршанба кунги
баёнолда расман тасдиқланди.

Швейцария расмийларининг
мазкур жиноят ишини
бошлашларига 2012 йилнинг июль

мамлакат президенти қизига пора
берганига доир иддаолар хусусида
тергов бошлади.

Бунга Швеция жамоатчилик
телевидениесининг «TeliaSonera-
Ўзбек иши» номли журналистик
суриштируви туртки бўлди.

Шундан сўнг швед
журналистлари Озодлик
билан ҳамкорликда ўтказган
суриштирувлари натижасида Te-
liaSonera Ўзбекистонда UCell
мобил оператори эгаси сифатида
фаолият олиб бориш учун Гулнора



ойи охирларида икки Ўзбекистон
фуқаросининг Женевадаги Lombard Odier банкидаги ҳисоб
рақамларига дахл қилишга ҳаракат
қилган пайтда ҳибсга олиниши
туртки бўлди.

Гулнора Каримовага қарашли
экани айтиладиган Coca Cola
Uzbekistan ширкати ходимлари
Алишер Эргашев ва Шохруҳ
Собиров дахл қилмоқчи бўлган
ҳисоб рақамлари ҳам президент
қизига алоқадор бўлгани гумон
қилинмоқда.

Lombard Odier банкидаги бу
ҳисоб рақамларидан баъзилари
Гулнора Каримованинг хос
ёрдамчиси Гаянэ Авакянга,
баъзилари эса МТС Ўзбекистон
ширкатининг собиқ ижрочи
директори Беҳзод Аҳмедовга
расмийлаштирилган бўлган.

2012 йилнинг июлида Гаянэ
Авакяннинг ҳам Lombard Odier
банкига келгани, лекин
Швейцария полициясидан кутулиб
қолишга муваффақ бўлганига оид
маълумотлар бор.

Айни ўша кунлари Г.Каримова
Парижда модалар шоусида бўлган
ва Женевадан қочган Авакян унинг
олдида пайдо бўлган.

Швейцарияда жиноят иши
кўзгатилишидан икки ой ўтиб,
2012 йилнинг октябрида Швеция
прокуратураси ҳам мамлакат
ҳукуматига қарашли TeliaSonera
телеком ширкати Ўзбекистон
бозорига кириш эвазига бу

Каримовага 350 миллион АҚШ
долларида пора берганига ишора
қилувчи фактлар ошқор бўлди.

Швейцария билан Швециядан
ташқари, бу ишга алоқадор жиноят
терговларининг Франция ва
Латвияда ҳам олиб борилаётгани
маълум.

Музлатилган активларга Швеция ва Франция кўз тикмоқда

Швейцария прокуратураси
пул ювишда гумонланаётган
Г.Каримова қидирувга берилганми,
йўқми аниқлаштирилгани йўқ.

Айни пайтда, Швейцария
ҳуқуқ-тартибот идораларидаги
манбанинг айтишича, мамлакат
прокуратураси Ўзбекистон
расмийлари билан бу жиноят иши
доирасида мулоқотга киришгани
йўқ.

Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот
идоралари Г.Каримовага дахлдор
жиноят ишини кўзгатиши ортидан
тахлилчилар Швейцария, Швеция,
Францияда музлатилган пул ва
кўчмас мулк истикболда расмий
Тошкент ихтиёрига топширилиши
мумкинлигига доир тахминларни
илгари сура бошлади.

Озодлик тасарруфида Гулнора
Каримованинг Ҳонг-Конг, Лондон
ва Москвада ҳам умумий нархи
бир неча юз миллион АҚШ
долларини ташкил қиладиган
кўчмас мулк борлигига ишора
қилувчи ҳужжатлар бор.



Ўзбекистонни мустақил деб атаётганлардан буён бир неча давлатлар, мисол Туркия билан иқтисодий, илмий – маърифий ва экстремизмга қарши курашиш, антитеррор алоқалар баҳоналари билан кўплаб ҳамкорликлар амалга оширилди.

Лекин эътиборли ери шундаки, оёқларига йиқилиб, ОАВ ларда кўқларга кўтарилиб кутиб олинган меҳмонлар, яъни Туркия

вакиллари бир оз вақтдан кейин, инжиқ иқлим ёки ёши ўтиб қолган одамнинг кайфиятига ўхшаш Ўзбекистондаги сиёсат ўзгариши билан кетларига тепилган ҳолатда келган жойларига қувилганини, ёки иқтисодий ҳамкор бўлган шериклар қочишга ҳам улгурмай Ўзбекистон зиндонларидан жой олганликларини гувоҳи бўлдик.

У меҳмонлар қувилиб ёки қамалганларидан кейин Ўзбекистон қўйган айб бизга ошқор қилинганида ёқамизни ушладик.

Бундай ишларга сабаб нима? Бундай ишларни аслида ким ёки кимлар бошқарган?

Албатта Ўзбекистоннинг кофир президенти Каримов томонидан бу ишлар амалга оширилган эди. Бу ишлар ортида аниқки халқ манфаати кўзлангани йўқ.

Балки ўзини гоҳ АҚШ, гоҳида Россия кучоғига отадиган Каримовнинг шахсий қарашларидан келиб чиққан ҳаракатлар эди. Чунки, Ўзбекистонга ўхшаш давлатларни демократия тузуми юқоридагидек, мустамлакачи давлатларнинг кучоғига кириб яшашни тақозо этади.

Кеча Ўзбекистонга оид хабарларда НАТО Марказий Осиё масаласи бўйича ваколатхона идорасини Тошкентга очмоқчи эканлиги тўғрисида маълум қилинди. Ва бугун эса, Туркия жумҳурияти Бош вазири Ражаб Тоййиб Эрдўғон яқин фурсат

ичида Ўзбекистонга сафар қилиш ниятида эканлиги билдирмоқда. Булар тўғрисидаги маълумотлар келгусида эътиборингизга хавола қилиб борилади.

Хозирги кунда қилмишлари учун ўз жонини сақлаб қолиши катта муаммога айланган Каримов, юқоридаги маълумотлардан АҚШ ўз химоясига олаётганлиги кўринади.

Уни кимлардан ва нималардан химоя қилиш керак?

Биринчидан Ўзбекистон халқидан:

«Ўзбекистон бошқарувини қўлига олганидан бошлаб халқни ўз қуллари деб билди ва золимликда

тўқнаш келади. Ўзбекистонда ҳам тўқнаш келди десак адашмаган бўламиз.

б) Юқорида айтганимиздек демократия тузумида йирик давлатлар бошқа давлатларни таллашиб қонларини сўрадилар, бунга очик мисол хозирги кунда Украина устида бўлаётган воқеликлар.

Хуллас, Ўзбекистоннинг қонини сўриш учун Каримов АҚШни лойик кўрди. Россия Каримовнинг ёнидаги югурдақларидан, хозирги кундаги бошқарувда турганларнинг баъзиларини сотиб олиб ўзига малай қилиб олди ва улар Каримовнинг бошқарув тарихида кузатилмаган ва кутилмаган йирик сотқинлик, кучли

КАРИМОВНИ КИМ ХИМОЯ ҚИЛМОҚЧИ?

Фиръавни ортада қолдирди. Бу кофир, диктатор

халқнинг қанча ўғлонларини соғлом инсоннинг қилмайдиган жисмоний азоблар бериб қийноқда ўлдирди.

Қанча инсонларни қонини тўқди, қанча хурматга лойик инсонларни ёлғон тухматлар, бўхтонлар, иғволар билан қамади ёки халқнинг ичида хурмати сунъий равишда тўқди, ер билан битта қилди.

Бундан ташқари 16 феврал ва Андижон воқеаларида халқни оммавий қирғин қилди. Бугунги кунда у заифлашди ва энди бу зулмларнинг жавоби бўлишligидан кўрқмоқда.

Чунки, эътибор берадиган бўлсангиз интернет сайтларида, Ўзбекистондан ташқарида Каримовни лаънатлайдиганлар сони кундан кунга ортиб бормоқда».

Иккинчидан Россиядан:

а) АҚШ дан химоя сўраши албатта маълум бир шартлар эвазига амалга оширалади, бу шартлар аввалдан жиғига тегиб келинаётган Россиянинг яна бир бор жаҳлини чиқаради. КХШТ, Евразес, Божхона Иттифоқи каби Россиянинг лойихаларига Каримов, АҚШ маслаҳатларига кўра дойим муаммо чиқариб, дам баъзи бир лойихаларга қўшилиб, дам маълум вақт ўтиб у ташкилотлардаги иштирокини музлатиб, Россияни шу пайтгача ахмоғини чиқариб келди.

Чунки манфаат асосига бошқариладиган бу давлатларнинг кўп ҳолатларда манфаатлари

хомийга эга бўлган қаршилиқни ташкил қилишди, хозир ҳам бу қаршилиқнинг кураши Каримовга нисбатан давом этмоқда.

Учинчидан Исломий ҳаракатлардан:

«Чунки Исломий жамоаларнинг кўплаб аъзолари Каримовнинг Исломга очик душманлик позициясига ўтганидан буён энг кўп жабр, зулмни тортишди. Бу жамоаларга мисол: Ҳизб ут-Тахрир, УИХ (Ўзбекистон Ислом Харақати), Салафийлар, Акромийлар, Таблиғ, “Нурчилар”, “Жиходчилар”, хатто Иброҳим эшон издошларигача бу золимнинг ўлжасига айланди.

Хозирги кунда бу жамоаларнинг кўплари Исломий тузум татбиқига ҳаракат қилмоқдалар».

Тўртинчидан Ўзбекистон сиёсий муҳолиф партиялар:

«ЭРК демократик партияси, Ўзбекистон Халқ Харақати... Эътиборли жихати шундаки шунча зулмларни кўрган бу Исломий жамоа ва сиёсий партияларнинг кўплари хозир ҳам фаолиятларини давом эттиришмоқда.

Бу золим, яхудий, диктаторнинг куни битиб бормоқда ин ша Аллоҳ қилмишлари учун жавоб берадиган вақти келди.

Барча мусулмонлар бир ақида асосида бирлашсалар бунга ўхшаш золимлар томонидан Ислом умматига қилинадиган зулмларни олди олинади ва Ислом уммати ўзларининг азизлигига қайтадилар!

Абдуллоҳ



Ўзбекистон президентининг 2014 йил 5 мартдаги № ПҚ-2142 сонли қарори билан ҳорижга чиқишда махсус рухсат олиши лозим бўлган мансабдор шахсларнинг рўйхати тасдиқланди.

Бу ҳақда хабар тарқатган pota.uz сайтига кўра рўйхатда келтирилган мансабдор шахслар хорижий давлатларга хизмат сафарига чиқишлари учун белгиланган тартибда Президент, Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти аппаратининг тегишли хизматларидан махсус рухсат олишлари лозим бўлади.

Ҳорижга чиқишда Президентдан рухсат олиши лозим бўлган мансабдор шахсларнинг рўйхатига 25 та мансабдор шахс киритилган бўлиб, улар Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Олий Мажлис Сенати раиси ва Қонунчилик Палатаси спикери, Ўзбекистон Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Марказий Банк бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари, республика Бош прокурори, вилоят ҳокимлари, Тошкент шаҳар ҳокими ва бошқалардан иборат.

Рўйхатда келтирилган шахслар бошқа мансабларда ҳам ўриндош саналсалар хорижий давлатларга хизмат сафарига чиқишлари учун ўриндош мансаблари бўйича ҳам Ўзбекистон Президентидан махсус рухсат олишлари лозим бўлади.

Ҳорижга хизмат сафари билан чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасидан махсус рухсат олишлари лозим бўлган мансабдор шахслар рўйхатига 15 та мансабдор шахс киритилган.

Ушбу рўйхат ўз ичига ахборот-таълилий департаментлар (бошқармалар ва бўлимлар) бошлиқлари ва Вазирлар Маҳкамаси ижройий аппаратининг масъул ходимлари, Миллий ахборот агентлиги бош директори, Миллий

телерадиокомпания раиси ва унинг ўринбосарлари, Фанлар академияси раиси, туман ва шаҳар ҳокимлар ва бошқаларни ўз ичига олган.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲОРИЖГА ЧИҚИШДА МАХСУС РУХСАТ ОЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ РЎЙХАТИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Рўйхатда келтирилган шахслар бошқа мансабларда ҳам ўриндош саналсалар хорижий давлатларга хизмат сафарига чиқишлари учун ўриндош мансаблари бўйича ҳам Вазирлар Маҳкамасидан махсус рухсат олишлари лозим бўлади. Хужжатга кўра ушбу рўйхатга Вазирлар Маҳкамаси томонидан махсус рухсат олиши лозим бўлган кўшимча мансаблар ҳам киритилиши назарда тутилган.

Конституцион суди, Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлар судьялари, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси олий таълим муассасаларининг раҳбарлари (ректорлар), ҳамда уларнинг ўринбосарлари (прректорлар), ТИВ, ИИБ, МХХ, МХХ ДЧКҚ (Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини кўриқлаш кўмитаси), Адлия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулотда ишлар вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Давлат божхона кўмитаси, шу жумладан уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари масъул ходимлари халқаро ва минтақавий ташкилотлар (БМТ, ШОС, МДХ ва б.) томонидан ташкил қилинадиган расмий тадбирларда иштирок этишлари учун Президент аппаратининг тегишли хизматларидан махсус рухсат олишлари лозим бўлади.

Мансабдор шахсларнинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар томонидан ташкил қилинадиган расмий тадбирларда иштирок

этишлари учун рухсат Ташқи ишлар вазирлиги орқали олиниши белгиланган.

Хужжатда таъкидланишича, “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги қонун асосида давлат ёки ҳарбий сир саналадиган маълумотлар билан ишлаётган ёки ишлаган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқлари уларнинг ёзма розилиги асосида чекланиши мумкин.

Шу муносабат билан, давлат ёки ҳарбий сирлардан воқиф бўлган мансабдор шахсларнинг хорижий давлатларга сафар қилиши белгиланган тартибга махсус рухсатнома орқали амалга оширилади.

Шу билан бирга, Олий Мажлис

Сенати ва қонунчилик палатасига Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатларининг хорижий давлатларга хизмат сафарларини белгилаб берувчи тартиб ишлаб чиқиши тавсия қилинган.

Худди шу тарзда Вазирлар Маҳкамасига ҳам мансабдор шахсларнинг хорижий давлатларга бўладиган хизмат сафарларини ташкиллаштириш Қоидаларини тасдиқлаш топширилган.

Мазкур қоидаларни ишлаб чиқишда хизмат сафари бўйича топшириқ-режаси ва натижалар бўйича ҳисоботларни ишлаб чиқиш тартиби, шу жумладан хизмат сафари мақсадлари ва вазифаларини самарали тарзда амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, расмий ва норасмий тадбирларда қатнашиш мобайнида ўзи турган мамлакат қонунчилиги ва умум қабул қилинган ўзини тутиш қоидаларига (этикет қоидалари) риоя қилиши ҳамда давлат сирларидан воқиф шахсларнинг хорижий давлатларга сафарлари мобайнида сирларни сақлаш режимини таъминлашлари алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланган. Юқоридагилардан ташқари, Адлия вазирлигига бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ноқонуний ҳорижга чиққанлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик чоралари белгилаш бўйича таклифлар киритиш топширилган.



Илк мўминлар ва хижрат

Иброҳим алайҳиссаломнинг олов ичидан тип-тирик чиққанини кўрган баъзи кишилар Намруд ва унинг одамларидан кўрққанлигига қарамай, Иброҳим алайҳиссалом даъватига ижобат этиб, Аллоҳга иймон этдилар. Иймон этганлар орасида Иброҳим алайҳиссаломнинг укаси Ҳароннинг ўғли Лут бин Ҳарон бин Тароҳ ила Иброҳим алайҳиссаломнинг тоғаси катта Ҳароннинг кизи Ҳазрати Сора ҳам бор эди (120).

Аллоҳу Таоло Иброҳим алайҳиссаломга Намруд ўлкасидан қутлуғ Шом тупроқлари томон йўлга тушишни амр этди (122). Иброҳим алайҳиссалом ўзига тобеъ бўлган саҳобалари билан қавмларидан айрилиб, хижратга кетишга қарор қилишди. Улар қавм ва қабилаларига:

- Биз сиздан ва Аллоҳдан бошқа топинаётган нарсаларингиздан бездик ва улардан узоқмиз. Эй Аллоҳдан ғайри бўлган бутлар, биз сизни рад ва инкор этамиз! Эй бутга топинганлар, сизлар то Аллоҳга иймон этгунигизга қадар орамизда душманлик давом этажак! — дея хитоб этдилар.

Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ йўлида муҳожири бўлиб, юртидан яширин айрилди. Тоғаси Ҳароннинг кизи Ҳазрати Сора ҳам Роббига бемалол ибодат этмак учун Иброҳим алайҳиссалом билан бирга йўлга тушди (123).

Аллоҳу Таоло Иброҳим алайҳиссаломга Ҳазрати Сора билан уйланишни ваҳий этди (124). Ҳазрати Сора ҳам ҳеч ажралмаслик

шарти билан унга тегишга рози бўлди (125).

Иброҳим алайҳиссалом бу шартни қабул этиб, унга уйланди (126). Ўша пайтда Иброҳим алайҳиссалом 37 ёшда эди (127).

Иброҳим алайҳиссалом билан бирга Лут алайҳиссалом ҳам хижрат этди (128).

У пайтларда Куса халки ва Иброҳим алайҳиссалом сурёний тилида гаплашар эдилар.

Намруднинг муҳожириларни орқасига қайтаришга уриниши

Намруд муҳожирилар орқасидан одамларини юборди. Уларга “Сурёний тилида гапирган ким бўлса, ҳеч кимни чегарадан ўтказманг ва менга олиб келинг”, деб буйруқ берди.

Иброҳим алайҳиссалом Фирот дарёсини кечиб ўтганида, Аллоҳу

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (9).

Таоло унинг тилини ибронийчага айлантирди. Унга етишган Намруд одамлари унинг иброний тилида гапирганини эшитиб, ҳеч нарса тушунмади ва уни кўйиб юбордилар (129).

Муҳожирилар Ҳарранга бориб, бироз дам олдилар (130).

Иброҳим алайҳиссаломнинг отаси Тароҳ (Озар) 205 ёшида у ерда ўлди.

Аллоҳу Таоло тарафидан Иброҳим алайҳиссаломга Канонийлар юртига кетиш буюрилди. Ва унинг зурриётининг қум зарралари қадар кўпаяжаги табири этилди.

У даврда Канонийлар юртида қийинчилик ва очлик ҳукм сувар эди (131). Иброҳим алайҳиссалом у ердан Урдунга жўнади (132). Кейин Урдундан Мисрга кетди (133).

Мисрда Фиръавн бор эди (134). Илк етти Фиръавнларнинг биринчиси бўлган Тотис эди. У ўз отасини ўлдириб, унинг тахтига ўтирганди.

Тотис-зўравон, хиддатли, ёвузбир Фиръавн эди. Ўз қариндошларини, тоға ўғилларини, хизматчиларни, ўз хотинларини ва кохинларни ўлдиришдан чекинмаган кимса эди. Қон тўкишга иштиёкли эди (135).

Унинг сулоласи Синон бин Ашал, бин Улван, бин Убайд (136), бин Овлак, бин Имлок, бин Лаваз, бин Сом, бин Нуҳ (алайҳиссалом) бўлиб, машҳур золим Даҳҳакнинг укаси экани ва идорага ўша золим тарафидан маъмур этилгани ҳақида ҳам ривоят этилади (137).

Иброҳим алайҳиссаломнинг Ҳазрати Сора сабабли машаққатга учраши

Иброҳим алайҳиссалом завжаси Сора Ҳазратлари билан Мисрга келганларида шаҳарга кириш дарвозасидаги муфаттишлар Ҳазрати Сорани кўриб, гўзаллигига ҳайрон қолдилар ва Фиръавнга:

- Шарқ халқидан (139) бир одам келди, ёнида бир хотин борки, одамлар ичида энг гўзали (141). Инсонлар ундан гўзал юз кўрмагандир, — дея хабар бердилар (142).

Фиръавннинг яқинларидан бири “Бу хотин сендан бошқага лойиқ эмас”, деб ҳам кўйди (143).

Фиръавн дарҳол вазирини жўнағиб, Иброҳим алайҳиссаломни олиб келтирди. Унинг кимлигини, қаерданлигини ва Мисрга нима

мақсадда келганини сўради. Иброҳим алайҳиссалом кимлигини, қаердан экани ва Мисрга нима учун келганини айтди (144).

- У хотин ким, сенга ким бўлади? — деб сўради Фиръавн (146). Иброҳим алайҳиссалом Ҳазрати Сорани менинг хотиним деса, ўзининг ўлдирилажагини ўйлаб (147):

- У менинг синглим, — деди (148).

Фиръавн уни кўришни истади. Бу истакка муҳолифат қилиш мумкин эмасди. Аллоҳу Таоло Иброҳим алайҳиссаломга Фиръавннинг Ҳазрати Сорага ёмонлик қила олмаслигини билдирди (149).

Иброҳим алайҳиссалом Ҳазрати Сора ёнига келиб:

- Бу зўравон сенинг завжам эканини билса, мени маҳв этади (150). Шу боис, сени “синглим” дедим, — деди (151).

Ҳазрати Сора Фиръавн хузурида

Фиръавн одам юбориб, Сорани олиб келтирди (152).

Иброҳим алайҳиссалом дарҳол намозга турди (153).

Ҳазрати Сора гўзаллиги ҳақида Фиръавнга кўп айтилганди (154). Ҳақиқатан ҳам Ҳазрати Сора жуда гўзал эди. Ва Иброҳим алайҳиссаломга ниҳоятда итоатли эди (155). Шу боис, Аллоҳ уни шарафли айлади (156). Ҳазрати Сора Фиръавн хузурига кирганда, Фиръавн оёққа қалқди (157).

(Давоми келгуси саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Ҳазрати Сора дарҳол обдаст олиб, намозга турди. Намозини битириб, “Эй Аллоҳим, мен Сенга ва сенинг Пайғамбарингга инонган бўлсам, аёллигимни ҳам эримдан бошқага қарши кўриган эсам, шу кофирни менга теккиздирма”, дея дуо этди (158).

Фиръавн Ҳазрати Сорага кўлини узатган захот, кўли тошдай қотиб қолди. Ва у Ҳазрати Сорага:

- Аллоҳга дуо эт, кўлимни кўйиб юборсин, сенга зарар бермайман, — деди.

Ҳазрати Сора Аллоҳу Таолога дуо этди. Фиръавннинг кўлига жон кирди. Аммо Фиръавн иккинчи марта кўл узатишга ҳаракат қилди. Ва кўли аввалгидан шиддатлироқ шаклда қотиб қолди. Фиръавн яна:

- Аллоҳга дуо эт, кўлимни бўшатсин, сенга зарар бермайман, — деди.

Ҳазрати Сора дуо этди. Фиръавннинг кўлига жон кирди (159). Аммо Фиръавн учинчи марта кўл узатиб, кўли янада баттар бўлганда, такрор фарёд этди:

- Аллоҳга дуо эт, кўлимни кўйиб юборсин, валлоҳи, сенга зарар бермайман, — деди (160).

- Эй Аллоҳим, агар бунинг гапи тўғри бўлса, унинг кўлини кўйиб юбор (161), — дея дуо этди Ҳазрати Сора.

Ва Фиръавннинг кўлига жон кирди (162).

Ривоятга кўра, Фиръавн ҳар ҳужумидан сўнгра фақат кўли тугилмай, балки нафаси ҳам бўғилган, қириллаб ер тепа бошлаган. Буни кўрган Сора Ҳазратлари “Аллоҳим, бу ҳариф ўлса, уни хотин ўлдирди, дейдилар”, дея андишаланарди.

Фиръавн кўлига иккинчи ёки учинчи кез жон киришида (163) Ҳазрати Сорани олиб келган одамларни чақириб (164):

- Сиз менга инсон эмас, бир Шайтон олиб келтирибсизлар (165), уни Иброҳимга қайтаринг (166), ўлкадан чиқаринглар (167), Ҳожарни ҳам унга беринглар (168), — деди.

Фиръавн Ҳазрати Сорага бир либос ҳам ҳадя этди (169).

- Ҳақиқатан, сенинг Роббинг буюк экан, — деди у ва Иброҳим алайҳиссаломга ким бўлишини сўради.

- У менинг эрим ва қариндошимдир, — деб жавоб берди Ҳазрати Сора.

- У сени синглим деб таништирганди, — деди Фиръавн.

-Тўғри. Мен унинг динда синглисиман. Бизнинг динимизда ҳамма дин қардошлардир, — деди Ҳазрати Сора.

- На гўзал дин эмиш сизнинг динингиз, — деди Фиръавн ва Ҳазрати Сорани танишсин дея қизи Хурёнинг ёнига жўнатди.

Ҳазрати Сорага кўрсатилган иззат-икром

Фиръавннинг қизи Хурё ақлли ва устун васфли бир аёл эди. Аллоҳу Таоло унинг қалбида Ҳазрати Сорага нисбатан катта хурмат ва муҳаббат уйғотди.

Хурё Ҳазрати Сорани энг юксак савиядакутиб олди ва меҳмон қилди. Унга мол ва жавоҳирлар ҳадя этди. Ҳазрати Сора уларни олиб (170), Иброҳим алайҳиссаломнинг ёнига келди (171). Бу пайтда Иброҳим алайҳиссалом намоз қилар (172)

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (9).

ва Аллоҳу Таолога дуо этаётганди (173). Ҳазрати Соранинг келганини ҳис этиб, намозини битирди (174) ва кўли билан ишорат этиб “не хабар?” деди (176).

- Яхши хабар, — деди Ҳазрати Сора (177), — кўрдингми (178), иззат ва жалол соҳиби (179) Аллоҳ у фожирларнинг кўлини мендан маън этди (180), ёмонлигини рад этди (181) ва ўзини залил қилди (182). Менга бир хизматчи ато этди (183), Ҳожарни берди (184). Иброҳим алайҳиссалом Хурёнинг ҳадя этгани мол ва жавоҳирлари ҳақида:

- Уларни қайтариб бер, бизга керакмайди, — деди. Ҳазрати Сора уларни қайтариб топширди.

Хурё буни отасига айтди, Фиръавн хайратга тушди ва:

- Муҳаққақ булар шарафли бир қавм, тоза ва асолатли бир уруғдандир, — деди.

Ҳазрати Сорага яхшилик қилиш учун қилинган бутун ҳаракатлари беҳуда бўлди, фақат Ҳазрати Сора гўзал жориялардан бўлган Ҳожарни кўп илтимослардан сўнг қабул қилишга мажбур бўлди (185).

Иброҳим алайҳиссалом Фиръавн ёмонлигидан эҳтиёт бўлиб (186), Шомга кетишга ҳозирланар экан (187), Фиръавннинг қизи Хурё йўл озиғи сифатида ҳалво, қанд ва ширинликлар тайёрлади ва уларни саватларга қўйди. Ҳар саватдаги ширинлик остига жавоҳирлар ва ноёб билакузуклар қўйди. Ҳазрати Сора хайрлашиш учун келганда, Хурё унга саватларни бериб “буларни ол, озиқ-овқат”, деди.

Ҳазрати Сора “соҳибим билан маслаҳатлашай”, деди ва маслаҳатлашди. Иброҳим алайҳиссалом “емак бўлса, олавер”, деди. Ҳазрати Сора Хурёдан саватларни олиб, Иброҳим алайҳиссаломнинг ёнига қайтди.

Мисрдан кетиш

Иброҳим алайҳиссалом ва Ҳазрати Сора ёнига Ҳазрати Ҳожарни ҳам олиб Мисрдан айрилдилар.

Мисрдан анча узоқлашганларига Ҳазрати Сора саватлардан бирига озиқ учун кўлини суққанида, тагидаги жавоҳирларни кўрди. Бошқа саватларни қавлаб, у ердан ҳам жавоҳирларни олди ва ҳаммасини Иброҳим алайҳиссалом келтирди. Иброҳим алайҳиссалом улардан бир қисмини сотиб, қудук

қаздирди. Бир қисмини эса хайир ва яхшилик йўлларида харжлади (188).

Сабънинг ватан Этилиши

Иброҳим алайҳиссалом завжаси ва жорияси билан Фаластин ва Қуддус орасида, Шом чўлидаги Сабъ деган бир ерга жойлашдилар (189).

Иброҳим алайҳиссалом у ерда қудук қазди ва бир масжид қурди (190). Қудук суви худди чашма каби эди, Иброҳим алайҳиссаломнинг кўйлари сув ичиш учун қудук бошига келарди (191).

Сабъ аҳолиси Иброҳим алайҳиссаломни безовта қиладиган баъзи ҳаракатлар қила бошладилар. Ва Иброҳим алайҳиссалом бошқа бир ерда жойлашмоқ учун у ердан айрилди (192).

Сабъ аҳолисининг Иброҳим алайҳиссаломни қайтариб олиб келишга уриниши

Иброҳим алайҳиссалом Сабъдан кетгандан сўнг унинг қудуғидаги сув ҳам кесилди. Аҳоли Иброҳим алайҳиссаломни ранжитганларини англадилар ва “бир солиҳ зотни орамиздан чиқардик”, дея пушаймон бўлдилар. Изидан етиб, қайтиб келишини илтимос қилдилар (193). Иброҳим алайҳиссалом:

- Бир жойдан чиқсам, у ерга қайтиб келмайман, — деди.

- Сен билан бирга ичган сувимиз кесилди, — дейишди (194).

(Давоми келгуси сонда)

Мана, масалан, Бухарбоеванинг: “Хукуқбонлик ташкилотларининг кўпол иши Европа Иттифокини Ислом Каримов билан тамоман янги шароитларда гаплашиш имкониятидан маҳрум қилди”, деган ибораси: “Нодон хукуқбонлар бизни ва Гулнора Каримованинг пиар лойиҳасига жалб қилинган бошқа европаликларни Каримов билан учрашиш имкониятидан маҳрум қилди”, деган остмазмунга эга.

Галима Бухарбоеванинг: “Ташриф нокулай пайтда ва нодонларча бекор қилинди”, деган сатрини ҳам худди шундай “расшифровка” қилса бўлади.

Унинг: “Ислом Каримовнинг Прагага қилиши керак бўлган ташрифи ... европалик сиёсатчиларга ислохотлар хусусида конструктив суҳбат ўтказиш имконини яратаётгани”, деган гапларининг остида эса:

“Ушбу ташриф чоғида биз Гулнора Каримованинг топшириғига биноан Каримовга демократик характердаги баъзи тадбирларни хўжакўрсинга амалга ошириш зарурлигини тушунтирмоқчи эдик”, деган маъно яширинган.

Бухарбоева ва Каримовларнинг кўшма қарорларидаги 4-чи банднинг мазмуни “мустақил” журналистнинг: “Чехия президенти Милош Земан Каримовни қабул қилиб, музокаралар чоғида Каримов учун мавҳум бўлган инсон ҳуқуқлари мавзусини эмас, балки унга тушунарли бўлган меросийлик ва оила ҳимояси мавзуларини кўтариши мумкин эди”, деган сатрларида акс этган.

Яъни Галима Бухарбоева ўзи ва Тожибоева Гулнора Каримованинг топшириғига кўра Прагада Каримов олдида “Каримов учун мавҳум бўлган инсон ҳуқуқлари мавзусини эмас, балки унга тушунарли бўлган меросийлик ва оила ҳимояси мавзуларини кўтариши мумкин эди”лигини таъкидламоқда.

Бухарбоеванинг сиёсий ҳокимиятни меросхўрга, яъни Гулнора Каримовага топшириш зарурлиги ҳақида қайғураётгани эса: “Европа ва Ғарб Каримовга вазиятни тўғри тушунтириб, ҳокимиятни силлиқ тарзда меросхўрга топшириш ва кечиктириб бўлмайдиган

ислохотларни бошлашгина унинг оиласини ҳимоя қилиши мумкинлигини уқтирар эди”, деган иборасида ўз ифодасини топган. Галима Бухарбоеванинг: “Сукунатни бузган, отасининг тизимига қарши чиқиб, бу тизим билан зиддиятга борган ягона шахс — Гулнора”, деган сатрлари эса журналистнинг ўз хомийсига ёзган мадҳиясидир.

“Каримов камокхоналарнинг эшикларини очиб, бегуноҳ маҳбусларни озод қилиши керак эди”, деган иддаоси билан Uznews.Net бош муҳаррири

янги сиёсий иттифоклар тузиш зарурлигини тушуниши керак” экан. Яъни, журналист ўзбек муҳолифатини Гулнора Каримова билан сиёсий иттифоқ тузишга чақиряпти!

Энди эса “Ислом Абдуғаниевич, Прагада учрашишимиз керак” мақоласини безаб турган ёш Ислом Каримовнинг фотосуратига “янги” нигоҳ билан қаранг. “Блокировка қилинган” сайтнинг бош муҳаррири диктаторни инсоний қиёфада кўрсатишга уринмоқда. Шундай қилиб...

У.ҲАҚНАЗАРОВ: ЖУРНАЛИСТИК “МОТАМ” САБАБЛАРИ ҲАҚИДА, ЁХУД НЕГА БУХАРБОЕВА КАРИМОВНИНГ ПРАГА ТАШРИФИ БЕКОР ҚИЛИНГАНИГА “АЗА” ТУТМОҚДА?

Гулнора Каримова билан тузилган пиар-шартноманинг ва оғзаки келишувларнинг бир бандини ўзи билмаган ҳолда ошкор қилиб қўйган.

“Ислом Каримовнинг ва хукуқбонларнинг Прагадаги қиши” мақоласида Галима Бухарбоева ўзбек муҳолифатчилари ва хукуқбонлари эришган ғалабани “ниҳоятда кучсизланган Каримов устидан қозонилган ғалаба”, деган сўзлар билан камситишга уринган.

Ўзбек муҳолифатчилари ва хукуқбонлари Каримов устидан 2001 йилда ҳам ғалаба қозонганини Бухарбоева эсидан чиқарган кўринади. Ўшанда улар ўзбек муҳолифати лидери Муҳаммад Солихнинг Прагадан Тошкентга экстратегиясини бекор қилишга эришгандилар. Вахоланки, ўшанда Ислом Каримовнинг “роса кучга тўлган” пайтлари эди.

Бундан ташқари, Бухарбоева ўзбек муҳолифатига сиёсий саводхонликдан дарс беришга ҳам уринган. Чунончи, унинг ёзишича, ўзбек муҳолифати “диктатура тизимидаги бўлиниш ва нуфузли одамларнинг ушбу тизимдан чиқиши муҳолифатнинг мавқеини мутаҳкамлашини, тизимдан ажралиб чиққанларни танкид қилмасдан, улар билан

Сўнгсўз

Каримов диктатурасининг жиноят ва фитналарини фош қилиш борасида ўнбир йилдан бери олиб бораётган фаолиятимиз давомида вақти келиб, бутун бошли бир мақолаимиз аксилкаримовчи лагердан чиққан кўримсиз бир журналистга бағишланади, деб ўйламагандик. Бироқ вақт шуни кўрсатди-ки, ҳагто бир пайтлар Каримов диктатурасига қарши курашган кишилар ҳам пул учун ўз тамойиллари ва қадриятларини тўсатдан ўзгартириши мумкин экан. Ҳали 2013 йилнинг ўрталарида Гулнора Каримовани сербиялик ва черногориялик жиноий гуруҳлар раҳбари Дарко Саричга қиёслаган ва порахўрлик ҳамда уюшган жиноятчилик бўйича “йил одами” деб атаган Бухарбоева ўтган йил охирига келиб, “Ўзбекистонликлар учун энг нафратланарли шахс”га нисбатан тўсатдан илиди-қўйди.

Ва 2014 йил февраль ойига келиб, Бухарбоева Гулнора Каримовани “сукунатни бузган ягона шахс”, деб атамоқда.

Г.Каримова Ўзбекистондаги мазлум халқнинг ҳақ-ҳуқуқлари учун эмас, балки ўзининг иқтисодий ва бошқа манфаатлари учунгина “сукунатни бузган”ини Бухарбоева жуда яхши билади.
(Давоми келгуси саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бирок Uznews.Net бош муҳаррири ўз хомийсини “тўғри йўлга тушган” шахс қилиб кўрсатишга астойдил уринмокда.

Боз устига, пиар технологияларга ихтисослашган олмон компаниялари ва Гулнора Каримова ўртасидаги музокараларда воситачилик қилиб, Галима Бухарбоева “тўнғич қиз”нинг чопарига айланди ва Фарбда унинг манфаатларини химоя қилишга ўтди.

Шуниси шубҳасиз-ки, мана шу даврда Г. Бухарбоева тўғридан-тўғри Гулнора Каримованинг ишончига кирганига ва, балки, орқаворотдан президент Каримовнинг ҳам ишончига тикила бошлаганига сармаст ҳолатда эди.

Ахир, шахсан Ўзбекистон президентининг тўнғич қизи журналистнинг Тошкент сафари билан боғлиқ барча ҳаражатларини қоплаб, сайтининг фаолияти учун бир неча юзминг доллар ажратган эди-да!

Бухарбоева ўзига нисбатан Ўзбекистон ҳукумати томонидан кўзғатилган жиноий ишга қарамасдан, Гулнора Каримованинг ёрдамида ва “МХХнинг аламига” республикага ҳеч қандай қаршиликсиз кириб ва чиқиб кетганига ҳам чексиз хурсанд эди.

Бирок Бухарбоева масаланинг бошқа томонини тушунмайди. Унинг Ўзбекистонга келиб, Гулнора Каримова билан учрашишини истамаган МХХ охир оқибатда атайлаб унинг кириш-чиқишини расман рўйхатга олиб, эртага ушбу фактни нафақат Uznews.Net бош муҳарририга қарши, балки Гулноранинг ўзига қарши ҳам ишлатишни кўзлаган эди.

Шундай экан, диктатор Каримовнинг Прага ташрифини бекор қилишга эришган ўзбек муҳолифатчилари ва ҳуқуқбонлари эмас, балки Ўзбекистонга расман кириб-чиқишга рози бўлган Галима Бухарбоеванинг ўзи “кўпол иш”лади.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ
сиёсатшунос

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИДА ЯНА ЎЗГАРТИШЛАР



Ўзбекистон Конституциясига ўзгартишлар киритилади. gazeta.uz сайтининг ёзишича, мазкур ўзгартишлар Президент ваколатларининг бир қисмини Бош вазирга ўтказиш ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришни назарда тутди.

Шунингдек, Конституциянинг алоҳида моддаларига (32-, 78-, 93-, 98-, 103-, 117-моддалар) ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси президент Каримов томонидан парламент муҳокамасига тақдим қилинган.

Олий Мажлис ахборот хизмати хабарига кўра, мазкур қонун лойиҳаси 2013 йил 7 декабрдаги Конституциянинг 21 йиллиги муносабати билан қилган Каримовнинг маърузаси асосида тайёрланган.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Конституцияси тарихида давлат олий ҳокимияти органлари бўлган қонун чиқарувчи ва ижроий ҳокимият ҳамда президент

ваколатларини белгилаб берувчи нормалар бир неча мартаба ўзгартирилган. Масалан, мустақилликдан кейинги даврда Ўзбекистон президенти И.Каримов бир вақтнинг ўзиде Вазирлар Маҳкамасининг раиси лавозимини ҳам эгаллаб келган. Бу эса унинг ўз-ўзидан ҳуқуқат бошлиғи бўлганини билдиради. Демократик бошқарув принципларига зид бўлган ушбу тартиб 2007 йил 28 февралда Конституцияга киритилган ўзгаришлардан кейин бекор қилинган.

2011 йилнинг декабрида эса Конституцияга навбатдаги ўзгартишлар киритилди ва президент ваколатлари етти йилдан беш йилга қисқартирилди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, аслида беш йиллик қилиб белгиланган президент ваколати 2002 йили ҳеч қандай асосларсиз ўтказилган референдум натижаларига кўра етти йилга узайтириб қўйилган.

UZBEK.FM

Вакцина ва иммунизация халқаро альянси (GAVI Alliance) 2015 йилда дунёнинг уч мамлакатида 10 ёшдан 12 ёшгача бўлган қизларни бачадон бўйни саратонига қарши эмлаш дастурини амалга оширади. Бу дастурга, Руанда, Уганда ҳамда

саратони — ривожланаётган мамлакатлардаги аёллар орасида янги пайдо бўлган ёмон шишлардан юзага келадиغان ўлимнинг асосий сабабларидан бири.

Маълум бўлишича, дунё бўйича ҳар йили 266 минг аёл бачадон бўйни саратони

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИЗЛАР ЁПШАСИГА ЭМЛАНАДИ

Ўзбекистон киритилган бўлиб, жами 1.5 миллион қизни қамрайди.

Ўзбекистон эмлаш мактабларида ва тиббий муассасаларида олиб борилади.

GAVI Alliance бош директори доктор Сет Берклиннинг айтишича, бачадон бўйни

натижасида вафот этади, уларнинг 85 фоизи кам даромадли мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Агар ушбу касалликка қарши фаол чора-тадбирлар кўрилмаса, 2020 йилга келиб, қурбонлар сони йилига 430 мингга етиши мумкин.

UZBEK.FM

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Сиёсий ва сотсиал шартлар қаршисида, умидлари бошқаларникидан ажралиб турган шоир, 1981 йилда ёзган “Эртага” номли шеърда, бундан шубҳаси йўқдай кўринади:

Эртага шубҳасиз

бахтли бўламиз,

бугун ўлмасак,

Эртага орзуни қувиб етамиз

бугун чополсак.

Эртага

қувонч улашамиз ҳаммага

агар уни бугун тополсак.

Шоир куйламайди гамгин куйларни

Эртага.

Шоир энди, эртасидан умидвор. Аммо бунинг ҳақиқатга айланиши

МУҲАММАД СОЛИХ ШЕЪРИЯТИ

иккита муҳим шартга боғлиқ. Биринчи шарт, эртадан аввал ўлмасликдир. Иккинчиси, шоир “орзу” сўзи билан ифода этган мафкуранинг изидан қувмоқ, яъни, ҳаракат қилмоқдир. Фақат шундагина, шоир, бугун куйлаётган гамгин кўшиқларини эртага куйламайди. Вақт, Муҳаммад Солихнинг ҳақ эканлигини кўрсатди. Бу шеърлар ёзилгандан кейинги, бошни айлантирувчи тезлик билан юзага келган воқеалар Советлар Бирлигини йўқ қилди.

ЯКУНИЙ СЎЗ

Сухбатимиз мавзуси бўлган М.Солих, Советлар Бирлигида оғир сиёсий зулм кучайган Брежнев даврида шоир бўлиб танилди. Илк шеърый китоблари ҳам 1970 йилдан 1980 йиллар ўрталарига қадар давом этган бу даврда чоп этилган. Сиёсий босим сабабидан, шеърларида ўз туйғу ва тушунчаларини очикча ифода этолмаган ва ўзига хос метафора йўлини танлаган.

М.Солих миллатининг ва халқининг ҳаёти ва орзу-умидларини ўз асарларида акс эттирар экан, бу хавотир ва ташвишларини буюк шеърый санъат даражасига кўтарди. Улкаси ишғол остида бўлган бир шоир ўлароқ, асосан, хуррият ва истиклол ҳақида куйлайди.

Миллатини ифода этувчи восита сифатида кўрилган тилни ўзбекча эмас, туркча деб белгилайди. “Иқро” китобидаги мақолаларида, ўзбекча отининг, русларнинг асари эканини ва ўзбекчанинг ҳам, лаҳжа ўлароқ, туркчанинг қипчоқ, ўғуз ва қарлук лаҳжаларидан ташкил топганини билдиради. Унинг фикрича, ўзбек туркчаси билан Туркия туркчаси ўртасида фарқ, фақат талаффуздан ва янги кириб келган сўзлардан, терминлардан

иборатдир. Бу таҳлил бизга, турк лаҳжалари орасидаги муштарак калималарни ўзгартириш эмас, уларни муҳофаза қилиш кераклигини кўрсатади. Муҳаммад Солихнинг эътироф этишича, турк тили ифода йўналиши бўйича қудратли тилдир, айтилганда озодлик символидир. Бутун руслаштириш сиёсатига қарамай, турк халқлари ўзликларини фақат турк тили соясида сақлаб қола оладилар. Муҳаммад Солихнинг тили билан айтганда, тил шахсиятдир, “томиримизда оққан қон”дир.

М.Солих ўз шеърларида ифода этишига кўра, 1970-1980 йилларда Советлар Бирлигидаги

ҳаёт, темир парда орқасидаги пропагандалардан жуда фарқ қилади. Аслида бу, моддий ва маънавий сафолати билан, инсонни ерга урувчи жаҳаннамдай ҳаётдир. Шоирни ва жамиятни ҳаётга боғлаб турган нарса – бу эртанинг ҳаёлидир. Шоир эртасига ишонади. Буни шеърларида қувватли иймон билан тилга олади.

Ҳаётга кўркув ва хавотир ҳоким. Оч қолмоқ, ёлғон гапирмоқ, инкор этмоқ ва манкурт бўлмоқ – булар, совет ҳаёт тарзида мумкин бўлган нарсалардир. Аммо, шикоят қилмоқ, тузумни муҳокама қилмоқ мумкин эмас. Ва бундай зулмга қарамай, барча бахтли бўлиб кўринишга мажбур. Совет ҳаёт тарзи таърифланганининг там акси ўлароқ ёлғонлар мажмуасидир. Булар - шоир очиб берган Советлар Бирлигининг асл моҳиятидир. Ўзбекистонда эса ҳаёт бундан ҳам ёмон. Ўзбеклар пахта пайкалларида мардикорлик қилмоқдалар.

Яхшилик ва ёмонлик, хунуқлик ва гўзаллик, фазилат ва фазилатсизлик, ёлғон ила тўғри бир-бири билан қоришган кўркув ва хавотир ҳоким бўлган бир ҳаётнинг давом этиши мумкин эмас, албатта. Қолаверса, халқларни бундай ҳаётга маҳкум этган тузум, қудратли деб билинган замонда, қутилмаганда ағдарилди. Бу кулашнинг аввалдан таҳмин этилмагани, Турк дунёсининг келажаги ҳақида ҳеч қандай тайёргарлиги бўлмаган Туркия учун – ғафлатдир. Ҳолбуки, бу тузумнинг ичида яшаганлар, буни анча олдиндан кўриб, бу ҳақда ёзган эдилар.

М.Солих ҳам 1970 йилларда нашр этилган “Кечиккан баҳор”, “Кутаман” ва “Қиличлар уйкуга кетса” каби шеърларида, энди “совет қиличининг занглаганини” ва “бешинчи фасл” номи билан аталган янги ҳаёт остонасига

келинганидан хабар берган эди. Муҳаммад Солих ватанпарвар шоирдир. У истиклол ва хуррият шоиридир. Бутун миллатни ғафлат уйқусидан уйғотиб, зулмкор тузумга қарши курашга даъват этмоқда. Зиё Ёқалп “Янги ҳаёт” китобида ўзининг санъат ҳақидаги тушунчасини изоҳ этар экан, “Шуур даврида шеър тинар, шеър даврида шуур томошабин бўлиб қолаверади. Биз яшаб турган замон хойнахой, биринчи даврга оитдир,” дейди. Муҳаммад Солихнинг муаммоларга ёндошиш услуби, бизга Ёқалпнинг бу жумласини хотирлатади. У шуурланиш даврининг шоиридир. Шу сабабдан шеърларини доимо муайян фикрий режа устига куради. Аммо бундай қилар экан, шиорбозлик жўнлиги даражасига тушмайди, юқорида айтилгани каби, санъат андишассини доимо олд планга кўяди.

М.Солих ўз шеърларида истиклолга ишонган шоир ўлароқ гавдаланади. Бу ишончни ўқувчиси онгига ҳам сингдиришга ҳаракат қилади. Вақт унинг ҳақ эканлигини кўрсатди ва бўлган воқеалар Советлар Бирлигини емирди.

СССРнинг парчланиши, Туркияда доимо, 1985 йилда эълон этилган қайта қуриш ва ошқоралик сиёсати туфайли бошланган миллий уйғониш ҳаракатлари билан тилга тушган эди. М.Солихнинг 1985 йилдан аввал ёзиб, нашр этилган шеърлари кўрсатмоқда-ки, истиклол оташи биз ўйлагандан ҳам аввалроқ ёзилган экан. Қолаверса, Михаил Горбачев бошлаб берган сиёсий тузимни қандайдир лутф сифатида таърифламоқ жуда хатодир. Билъакс, Горбачев бутун Советлар Бирлигида, Брежневнинг ўлиmidан кейин, тўсатдан алангаланган миллий уйғониш ҳаракатлари қаршисида ожиз қолган совет тузимининг бошқони (президенти) ўлароқ, Қайта қуриш ва ошқоралик сиёсатини бошлаш мажбуриятида қолди.

Муҳаммад Солих ўз шеърларида умуминсоний севгини ҳам тараннум этди. Бу шеърларида севгини ҳаётнинг маъноси ва инсоннинг мавжудияти сабабчиси ўлароқ талқин этди. Баъзи шеърларида табиат манзараси билан ижтимоий ҳаёт орасида ўхшашлик топиб, фикрларини айтишга ҳаракат қилади. Хулоса ўрнида шунини эътироф этмоқ керак: Муҳаммад Солих шеърларини асосан, сарбаст усулда ёзмоқ билан бирга турли шаклларда тартиб этди ва вазн ўлароқ ҳижонинг бошқа қолипларида ҳам шеърлар ёзди.

Мактубга ёшлар тахририяти шундай изоҳ берибди:

“Биз ўзимизга лоақал бирорта ўзбекча ҳарфли машинка топа олмай ўрисча ҳарфларда ёзиб, бунинг устига Ўзбекистонда яшаб туриб, жумҳуриятимизнинг давлат тили масаласини ҳал қилолмай юрган пайтимиз чет элликлар ўз ишларини ўзбекча компьютерларда битирса ажабланарлими?”

Бундан бир йилгина аввал “Ўзбекистонда давлат тили ўзбек тили бўлсин!” деган шиорни кўришса баъзиларнинг “куёнчиғи” тутиб қоларди. Энди бўлса, бу шиорни айтавериш биз ҳам чарчадик.

Times” газетасида сўзларингизни ўқиб, дўстим деб соғиндим, қувондим. Сиз учун қувондим, сўзларингиз учун қувондим, ошқоралик учун қувондим, менга бахт деб санаб, Сиз билан танишиб дўстлашганим учун қувондим, Айниқса, бундан беш йил бурун, Ўзбекистонга келишим вақтида шароитларни эслаб қувондим. Албатта, хушёр бўлиб қувондим, балки Фарғона водийсида, ҳатто Хитойда яқинда бўлган ҳодисалар туфайлидан ташвишланяпман, лекин ҳар ҳолда янги шароитларни узайтириб, такомиллаштиришга интила олмақчисиз деб умидим бор. Айниқса, бирор кишининг (отини

эканимни сезиб айбдор эканман. Менимча, алоқадор бўлмоқ яхшироқ, лекин безовталиқнинг имконияти ҳам бор бўлса ҳам узр айтгим келди. Фикрингизча, Сиз томонга яна марта келишим билан ҳар қандай безовталиқка учрайсиз ё учрайман?

Араб ҳарфлар, расмий тил ва бошқа масалалар ҳақида баҳслар менга жуда кизиқарлидир; лекин менимча, фақат ҳарфларга қайта кўриш етарли бўлмайди. Шундай ҳарфларни яратган маданиятнинг маънавий, руҳий, ҳатто диний дунёсига яна марта, чуқурроққина қайта кўриш шарт экан. Бу “дунё” аждодингизнинг меросидан бир муҳим қисмидир. Менимча, аждодингизнинг бу қисмини қабул қилганларини “хурофот” ё “мажбурий” деб айбламоқ фақат катта хатогина эмас, ҳатто бошқа халқнинг иши экан. Бошқаси эса, келажак йилда, ёзда бизда Ўрта Осиёда экология масалалари ҳақида конференция ўтказилади; келишингиз мумкин бўлади, деб умиддамен. Расмий таклифнома почта орқали юборилади.

Мана компьютер билан ёзилган хат, кўра оляпсиз; менимча, мен ишлаб чиқарган ҳарфлар (ў,қ,ғ,х) программа орқали тахминланган ҳарфлардан яхшироқ. Ўзбек тилини ёмон ёзишим учун кечирасиз, илтимос; янги компьютерим билан ёзилган бўлса ҳам, шундай механизм ўзбекча равонлигимга ёрдам бермайди! Техника яхши, лекин нотиклигим ҳалигача яхши эмас; афсуски, компьютер тилимни бийрон эта олмайди.

Қиладиган илтимосим шуки, мендан бошқа дўстларимга саломлар, яхши истакларимни етказсангиз; оилангизда тинчлик, омонат учун хавасқорман. Ва Сиздан яна бевосита хабар олиб, эшитгим келди; хат ёзиб турунг, дўстим. Ва Худо хоҳласа ё Сиз бизга ё биз Сизга келиш мумкин бўлади. Ҳар ҳолда Сизни унутмаганман, ҳозирги кунларда мендан ҳеч нарса Сизга керак бўлса ҳам унутмасан, буни яхши биласиз деб ёзаман; ва шунингдек, мени унутмагансиз деб ишониб, мени ёдингиздан чиқарманг деб илтимосим ҳам бор.

Сизни кучиб, Девин”.

Профессор Девин Девис, бугун АҚШнинг Индиана Штатида Блумингтон Университетида туркшуносликдан дарс беради.

“Ахборот варақаси” 1989/ 3-сон

Абдуқодир Каримов

МУҲАММАД СОЛИҲГА МАКТУБ

Бухатни Тошкентдан ёзяпман. Архивимдан бир эски варақа топдим. Уни кўриб ҳаяжонландим ва томчидан қутилиб ёмғирга, дўлга учраган Мустақиллигимизни эсладим. Яқин тарих саҳифаларини, саргайган газеталарни варақлар экан, бизга бу имтиҳоннинг не сабабдан юборилганини мушоҳада қилишга уринаман...

Бугун Мустақиллик учун курашган ватан авлодлари тутқинда ва сургунда, муҳожиротда яшаяпти. Аммо улар четда туриб ҳам биздан кучлироқ ва иймони мустаҳкамроқ экани бизни севинтиради.

Бу ажойиб хат 1989 йил август ойида “Бирлик” халқ ҳаракати қошидаги Ўзбекистон ёшларининг эркин уюшмаси “Ахборот варақаси”нинг 3-сонида чоп этилган экан...

Сиз яхшиси америкалик олим Девин Девиснинг ўзбекистонлик дўсти Муҳаммад Солиҳга ўз шахсий компютеридида ўзбек тилида ёзган мактубини ўқиб кўринг. Ўзбекистондаги бирорта ўрис ёки ўзбек шундай ширин тилда, равон тилда гапира олармикан?”

Биз ўз тилимизга эга бўлолмаётган бир пайтда американик бир олим шоир Муҳаммад Солиҳга ўзбек тилида мактуб йўллабди. Марҳамат, азиз ўқувчи, бу хат мустақиллик ҳаракатининг 90- йиллари ҳақида оз бўлса-да, тасаввурингизни бойитиши мумкин.

“Азиз дўстим Муҳаммад!

Салом! Узоқ вақт мендан эшитмагансиз, ҳеч бир хат ҳам олмагансиз; шунинг учун узр айтмоқчиман. Афсуски, бу хат қисқача бўлади. Ленинградга бориб, эртага тонг билан бу ердан жўнайдиган дўстим орқали юбормоқчиман. Сиздан ҳам узоқ вақт бўлиб, ҳеч бир хат олмаганман, лекин Билл Вуд ва Билл Фирман орқали хабардор бўлиб қолдим. Балки энг яхшиси шундаки, газеталарда, журналларда, ҳатто телевизорда шеърингиз, бошқа ёзишларингиз ё Сиз ҳақингизда хабар кўра оламан. “New York

унутган эканман, балки Куруқжонли (“Правда Востока” газетаси ходими Ю.Кружилин назарда тутилмоқда – таҳр.) ё шунга ўхшаш фамилия) ёлғонли, алдоқли мақоласини ўқиганимда эски услубдаги хужум қайтиб келган экан (ё тўғриси, ҳалигача чиқарилмаган экан) деб безовта бўлдим. (Кружилинга – таҳр.) Жанобингизни ўқиганимда, жойим борми ё йўқми, хурсанд бўлиб қолдим, яшасин деб айтдим.

Мендан сўрасангиз, одатимча жуда банд бўлганман. Кечган йилда ёз ойлариини Ҳиндистонда ўтказдим, турли шаҳарлардаги китобхоналарнинг форсча, арабча ва туркча қўлёзмалари билан тадқиқотлар қилдим. Яқинда Кубравий тариқати ҳақида бир мақолам босиб чиқарилди, лекин илмий ёзишим учун вақтим етарли эмас экан. Оиламда ҳаммаси тинч, қизимдан фақат хурсандлик билиб оламан.

Крек Кеннеди ва Билл Вуд ва Билл Фирман билан танишганингиз билан жуда хурсандман; Сиз учун улардан ҳеч бир ташвиш, тинчсизлик келмаган экан деб умидворман, балки бу шароитларда шундай ташвиш мендан келган деб англайман, бундай зарарли дўст



Мамлакат ичкарасида “Ўзбекистон мардикорлар касаба уюшмаси” вакиллари сифатида асосан, ҳақсиз-ҳуқуқсиз мардикорлар ҳақларини ҳимоя қилиш билан шуғулланиб келган Фахриддин Тиллаев ва Нураддин Жуманиёзовлар Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 135-моддасида кўзда тутилган “одам савдоси”да айбдор деб топилди.

Кейинги икки йил давомида Ўзбекистондаги ишсизлик, мардикорларнинг ҳақсиз вазияти ҳақида мустақил ва муҳолиф нашрларга мунтазам ахборот бериб келган бу фаолларга мазкур жиноят учун кўзда тутилган энг оғир жазо қўлланилди.

Судланувчилар адвокати Полина Браунергнинг Озодликка айтилишича, тергов ва маҳкама жараёни аввалдан белгиланган тартибда, жуда тез ўтган:

- Тергов жуда тез якунланди, суд фавқулодда тез ўтди, бор-йўғи икки ярим соат ичида ҳукм ўқиб эшиттирилди. Айблов хулосаси, фақат ва фақат жабрланувчилар кўрсатмасига асосланди. Жабрланувчиларнинг ўзи, жуда шубҳали одамлар. Ўзбекистонда энг бозорбоп сувоқчи-бўёқчи, чилангар каби касб эгалари бўлган бу одамлар, гўё, иш топа олмай, Жуманиёзовдан Қозғистондан иш топиб беришни сўраган. Ўзининг қулликка солинганини иддао қилаётган бу одамлар бир ой ўтар-ўтмас Ўзбекистонга қайтиб, дарҳол Жуманиёзов устидан шикоят аризаси топширади. Тергов ва судда фақат ана шу шахслар кўрсатмаси инobatга олинди. Уларни Қозғистонда ишга жойлаган аёл кўрсатмаси эса, мутлақ инobatга олинмади, дейди судланувчилар адвокати.

Сухбат давомида Браунерг, бу жиноят иши ва маҳкаманинг, махсус буйруқ асосида уюштирилган уйдирма эканини эҳтимолдан соқит қилмаслигини таъкидлади.

Марказий Осиё инсон ҳуқуқлари уюшмаси раҳбари Надежда Отаева Фахриддин Тиллаев ва Нураддин

Жуманиёзов Ўзбекистондаги энг мазлум қатлам бўлган ҳам ичкари, ҳам хориждаги мардикорлар ҳақларини жиддий ҳимоя қилиш билан шуғулланганига шахсан ўзи гувоҳ эканини таъкидлайди:

- Ўзбекистон президенти Россиядаги мардикорларни “дангаса”га чиқарганидан сўнг, мардикорлар масаласи иқтисодий-ижтимоий муаммодан сиёсий масалага айланди. Каримовнинг бундай баёнотидан сўнг мардикорларни ҳимоя қилиш, бунинг учун мустақил касаба уюшмаси тузишнинг ўзи давлат сиёсати ва режимга қарши ҳаракатга айланди. Бундай сиёсатга қарши чиқишнинг оқибатлари оғир бўлажигидан жамоатчиликни кўрkitиб қўйиш

жўнатиб, агар ўзини танқид қилса, уларни ҳам қамоққа тикиш билан пўписа қилган. Ўзини ҳуқуқ фаоли деган шахснинг бундай ҳаракати, кескин қораланиши лозим ва бу воқеа, хусусан Тожибой ўғлининг ўз ҳамкасбларига қарши кўрсатма бериши жиддий ўрганилиши лозим. Бунинг учун Тожибой ўғлидан изоҳ кутаяпмиз, деди Надежда Отаева.

Озодлик мухбирининг Абдулла Тожибой ўғли билан боғлианиш уринишлари ҳозирча натижа бермади, унинг телефонини кўтарган одам, ўзининг Тожибой ўғлига алоқаси йўқлигини билдириб, суҳбатни ўчириб қўйди.

“Ўзбекистон мардикорлар касаба уюшмаси” раҳбарлари Фахриддин Тиллаев ва Нураддин Жуманиёзовлар

“ДАНГАСА”ЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛГАН МУҲОЛИФАТ ФАОЛЛАРИ 11 ЙИЛГА ҚАМАЛДИ

учун Тиллаев ва Жуманиёзов иши тезгина ўйлаб топилди. Улар устидан уюштирилган тергов ва маҳкама жиноят-процессуал кодексининг аксар фундаментал қоидалари бузилган ҳолда ўтди, дейди Надежда Отаева Озодлик билан суҳбатда.

Фахриддин Тиллаев ва Нураддин Жуманиёзов устидан жиноят иши уларни ўзларини Қозғистонга 600 доллар ойлик тўланадиган ишга жўнатамиз деб, аслида қулликка юборганини иддао қилган Фарход Пардаев ва Эркин Эрдонов деган шахслар кўрсатмаси устига қурилган. Бу шахсларнинг ҳақиқатда мазлум экани тўғрисида тергов давомида Тиллаев ва Жуманиёзов ташаббуси билан тузилган “Ўзбекистон мардикорлар касаба уюшмаси”нинг Жуманиёзов қамалганидан кейин раисига айланган Абдулло Тожибой ўғли кўрсатма берган.

Адвокат таъкидича, айнан Тожибой ўғли ўз кўрсатмасида иккала судланувчининг муҳолифатдаги Эрк партияси фаоллари эканини ҳам айб сифатида қайд этган.

Судланувчилар адвокати, қолаверса Тиллаев ва Жуманиёзов билан йиллардан бери инсон ҳақлари ҳимояси борасида ҳамкорлик қилиб келаётган Надежда Отаева бу кўрсатмалар, хусусан, ўзи яқинларига Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот идораларидаги ҳақсизликни танқид қилиб келган Абдулло Тожибой ўғлининг иштирокини махсус уюштирилган деб тахмин қилиш учун жиддий асослар борлигини айтади.

-Биз олган ишончли маълумотларга кўра, кечаги суддан кейин Тожибой ўғли Тиллаевнинг яқинларига SMS

муҳолифатдаги Эрк ва унинг асосида ташкил топган Ўзбекистон Халқ ҳаракати фаоллари ҳамдир. Улар 2012 йилдан бери ҳаракат нашрларида чиқишлар қилиб келган.

ЎХХ етакчиси Муҳаммад Солиҳ, улар устидан ўтказилган маҳкама ва чиқарилган жазо, жорий режим ўзига ҳақиқий муҳолиф бўлганларни халқ олдида жазолаш ва шу билан халқни режимни танқид қилиш оқибатидан кўрkitиш кампаниясининг навбатдаги намунаси эканини таъкидлайди:

- Ўзбекистон ҳуқумати ўзининг асл муҳолифларини жазолаш учун бугунги замонга монанд бўлган янги уйдирма ўйлаб топди ва энди уларни одам савдосида айблаганга ўтди.

Бу худди 80-йиллар охири, 90-йиллар охирига қадар давом этган ёнидан наркотик моддалар ё тақиқланган адабиёт чиқди деган уйдирманинг айнан ўзидир, дейди муҳолифат етакчиси.

Айни пайтда, улар адвокати Полина Браунерг, дастлабки инстанция судининг жиноят-процессуал қоидаларни бузиш асосида ҳукм чиқаргани юзасидан, гарчи бир нарсани ўзгартиришига деярли умид бўлмаса-да, юқори инстанция маҳкамасига шикоят топширишга ҳозирланмоқда.

ozodlik.org

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати

расмий нашри

www.uzxalqharakati.com/erkin yurt

Мухаррир: Камолиддин Йўлдош